

ОБЛАСТИМИЗ ПАХТАСИ 350.000 ТОННАДАН ОШДИ

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР! ТЕРИМДА СУРЪАТГА-СУРЪАТ ҚЎШИНГ. МАШИНАЛАР ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАСИН. ҲАР БИР МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИ, ТЕРИМЧИ КУНДАЛИК НОРМАНИ ОШИРИБ БАЖАРСИН. ҲАММА ДАЛАГА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПАХТАЗОР- МАРДЛАР МАЙДОНИ

Ушан хирмонимизнинг кўрли чўққилари кўчага яққол ташланмоқда. Пойтахт области эршунослари бугунгача она-Ватанга 350 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» армуғон этдилар. Лабаҳхалоз, ваъдасига вафодор Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районларининг азамат пахтакорлари республикада биринчи бўлиб йиллик ҳалқ ҳўжалиги планини бажардилар. Ўзларча қолхоз ва бир неча совхоз маррага етди. Эндиликда улар юксак социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этиш учун тайр ва шижоат кўрсатмоқдалар.

Дала твардиячилари — «зангори кема» капитанларига офарин! Ватанга ҳадя қилинган «оқ олтин»нинг деярли ҳаммаси машиналарда терилди. «Зангори кема»лар суръатга қанот бoғламоқдалар. Азамат механизаторларимиз кўнига 7—8 тоннадан ортиқ пахта термоқдалар. Илғор районлар, қолхоз ва совхозлар йиллик планни 10—12 кун ичида бажардилар. Бу эса машиналар шарафоти. Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ районлари машина терим планини олгини билан адо этдилар. Терим агрегатлари умумий ишлаётган ҳўжаликларда суръат ҳам ошиб бoғмоқда. Механик-ҳайдовчилар ҳар йилликке бу йилги мавсумда ҳам меҳнатда аълоий номуналар кўрсатиб, эл-юрт олдишига сазовор бўлмоқдалар.

Машиначиларнинг машхўр механизатори Туреуной Охунова шу кўнгача 350 тоннадан ортиқ пахта терди. Бўка районидан «Октябрь 40 йиллик» қолхоздан С. Усеннов, 330 тонна, Х. Шарипов 251 тонна, Қуйи Чирчиқ районидан «Ленинград» қолхозидан С. Худойберганов 250 тонна, Ўрта Чирчиқ районидан Энгельс номи қолхоздан И. Эргашев 239 тонна, Окқўрғон районидан Вотицев номи қолхоздан Т. Раҳимбердиев 240 тоннадан ошириб пахта тердилар. Мана бу азаматларнинг, умуман дала твардиячиларининг мардлиги, жасорати ва шижоати тўғрисида пахта йиғим-теримда катта муваффақият қозонишмоқда.

Йиллик ҳалқ ҳўжалиги плани областида бўйича 86 процентдан ортиқ бажарилди. Маррага етиш учун суръатга суръат қўйишимиз, бутун куч ва техника воситаларини теримга сафарбар қилиб, бутун кечатидан, эртага бугунгидан кўпроқ пахта топиришига эришишимиз лозим. Илғор районлар ва ҳўжаликлар шу айда иш олиб бoғиб, ҳар бир кундан ва имкониятдан яхши фойдаланмоқдалар. Ҳар бир машина ва теримчининг кундалик нормасини ошириб бажариш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар. Уларнинг иш ҳсулдари, юксак ушшоқчилиги ва иттифоқи бошқаларга намуна бўлаоги керак.

Бу йил областида пахтакорлари она-Ватанга 450 минг тонна «оқ олтин» етказиб бoғиб мажбуриятини олгандар. Қолхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторларимизнинг фидокорона меҳнатлари тўғрисида социалистик мажбуриятини ошириб бажарилишини таъминлайдиган ҳўсил етиштирилди. Эндики вазифа ана шу ҳўсилни сўнгги килограммларигача ҳеч нобуд қилмай қисқа муддатларда юқори сифатли териб олишга қаратилмоғи керак. Афсуски, айрим районлар, қолхоз ва совхозларда йиғим-терим ишлари юксак даражада ташкил этилмаган. Машиналар, нгта роққил ишчи кўчлари далага тўла чиқарилмаган. Баъзи жойларда қундалик норма бажарилмаган. Айрим ноҳуд раҳбарлар бўлиб ўтган ёмғирини ва бошқа турли баҳоналарни рўқча қилиб, терим суръатини бушаштириб юбормоқдалар.

Область партия комитетининг бўлиб ўтган бюро мажлисида пахта йиғим-те-

римининг бoғиши, машиналар ва ишчи кўчларидан тўла фойдаланиб, суръатини кўчатириш, йиллик планни тезроқ бажариш ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Шу нарса ачинарлики, Пискент, Бўка, Чиноз районлари ҳамда бир неча қолхоз ва совхозларда суръат кўчатириш ўрнига кундан-кунга пасайиб кетмоқда.

Область партия комитети Пискент райони раҳбарларининг иш услубидаги камчиликларини, ҳўжаликин бошқариш, ташкилий-партиявий тадбирларини ўтказиш соҳасидаги нуқсонларини бир неча бор кўрсатиб берди. Лекин улар бундан амалий ҳўлослар чиқариб олмадилар. Ҳамма районларда пахтачилликдаги ишлар ўз вақтида, илғор тажриблар ва юксак агротехника талаблари асосида ўтказилди. Лекин бу районда ана шунга ажал қилинмапти. Ўзгалар таққатиб қўйилди, ҳашарот ва ёввойи ўтларни қураш ўз вақтида ўтказилмади. Бунинг устига дефолтнинг жуда ҳам кечиктириб юборилди. Мана булар оқибатида районда пахта тайёрлаш кўнглидаги ўтказилмапти. Мавсум бошидан бўён энг қулай пайтларда ҳам кўнлик ўсиш 4—5 процентга етмади. Бунинг устига шу кўнларда машиналарда кўнига бир тоннадан пахта терилмоқда. Теримчиларнинг терган пахтаси ўртача 20—23 килограммин ташкил этади. Бундай аҳвол Бекобод районидан ҳам содир бўлмоқда. Терим агрегатлари икки сменада тўла қувват билан ишламапти. Район аҳолисининг ҳаммаси ҳам пахта теришга сафарбар қилинмаган. Чиноз районидан эса айрим сабаблар билан бир неча ўйаб машиналар ишламапти.

Шу нарса ачинарлики, планни бажарган айрим районлар ва ҳўжаликларда терим суръати пасайиб кетди. Баҳодангич, бу ерларда социалистик мажбуриятдан ҳам кўпроқ иқдорда пахта етиштирилган. Машиналар ва теримчиларнинг умумий ишлаши учун етарли иқдорда қўнган пахта бўлиб қўйилди. Бундай аҳволга йўл қўйиб бўлмади. Қолхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари даладаги ҳўсилнинг энг сўнгги граммигача йиғиб-териб олгини учун ўзларини умумхалқ шинга сафарбар этишганиларини унутмасликлар керак.

Пахта майдонида жасорат ва мардлик кўрсатадиган дaмлар келди. Бутун жамоатчилик ва областидаги барча меҳнатчилар пахта йиғим-теримда бeвoсита ва актив қатнашдилар керак. Улар оммавий ҳарқий ташкилотчилари бўлишлари лозим. Дастлабки ёнгичарчилик ва совуқлар билан янада ушшоқчилиги, сабот ва матонат билан ишлашнинг талаб этиди. Ҳар қандай шаронгта ҳам терим суръатини бушаштирмай, марра сари олти бoғишимиз керак. Бутун куч ва техникани йиғим-теримга тўла сафарбар этиш лозим. Ҳар бир қолхоз ва совхозда машиналарнинг умумий ишлашини таъминлаб, қатъий назорат урнатилик. Подборщиклар ҳамма ерда ишга солинсин.

Областининг азамат пахтакорлари ва механизаторлари! Сизлар ҳар йилги меҳнатда юксак намуна кўрсатиб, эл-юрт олдишига сазовор бўлмоқдасиз. Пахтачилликнинг тақдирини, ишчимизнинг муваффақиятини, план ва социалистик мажбуриятларимизнинг бажарилишини сизларнинг маҳоратининг, тайр ва шижоатининг, қаҳрамонона меҳнатининг бағлиқ эканлигини унутманг. Зафар марраси яқин.

Шу кеча-кўнгузда янада тайр кўрсатилик, барча машиналарини ишга солайлик. Уларни икки сменада ишлатиб, кўпроқ пахта теришга эришайлик. Ҳамма пахта йиғим-теримига!

№ 199 (6803).

7
ОКТАБРЬ
ПАЙШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЮқОРИ ЧИРЧИҚ районидаги «Правда» қолхозининг пахтакорлари мажбурият ҳисобига ҳўсил топиришмоқдалар. Далада терим машиналари тўла қувват билан ишлаб, терим суръатини сира ҳам бушаштирилмапти. Суратларда: мавсумда 130 тонна «оқ олтин» териб бoғиш мажбуриятини олган механик-ҳайдовчи Аҳмад Ҳусанов. Унинг шу кўнгача бункерлардан тўққиз пахта-си 110 тоннадан ошиб кетди. Пасда: ҳўжалик даладаги машина терим пайти. А. Абалия фотолари.



ЭНДИГИ МАРРА—45 ЦЕНТНЕР

Қабул пунктларига 2 минг 900 тонна «оқ олтин» етказиб берган Юқори Чирчиқ районидан «Ўзбекистон» қолхозини ҳам маррага етди. Қолхоз пахтакорлари 1151 гектар майдондан 23,2 центнердан хирмон кўтардилар. Ҳўсилнинг 95 проценти терим агрегатлари билан йиғиб олинди. Бунда илғор механик-ҳайдовчилар р и и г ҳиссаси катта бўлди. Шу кўнгача республика Олий Советининг депутаты Собир Қодиров 212 тонна, Ғолият Мирзаев 213 тонна, Авзалбек Ражабов 176 тонна пах-

тани «зангори кема» бункерларидан тўқидилар. Айниқса Ли Николай, Кан Борис ўртоқлар бошлиқ бригадаларда пахтадан мўл ҳўсил етиштирилди. Бу бригада аъзолари шу кўнгача гектаридан 32—34 центнердан ҳўсил йиғиб олдилар. Ҳўжалик даладаги пахта йиғим-терим ишлари қўнги давом этимоқда. Қолхоз пахтакорлари ҳар гектар майдондан яна 16,8 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиб, ҳўсилдорлигини 45 центнерга етказишмоқчи.

Р. ДОВУДБЕКОВ.

ЗАФАР МУБОРАК!

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети ўртоқ Д. А. КҲНАЕВГА

Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ С. Б. НИЕЗБЕКОВГА

Қозоғистон ССР Министрлар Совети ўртоқ Б. А. АШИМОВГА

Қозоғистон совхозларининг ишчиларини, қолхозчиларини, механизаторларини, ҳўжаликларининг раҳбарларини ва мутахассисларини, олимларини, кишлоқ ҳўжалиги ва таёйролов органларининг ходимларини, саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари, ўқув юртларининг коллективларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини, гаппа учун курашда актив қатнашган барча кишиларини гаппа ўрми-йиғим тугаллашиши ва давлатга дон сотиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарилиши билан қизғин кўптайман.

Республика деҳқонлари, ўнчинчи беш йилликнинг биринчи йилида мўл ҳўсил етиштириб, уни ўз вақтида, қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олдилар ва Ватан оғборларига 18,35 миллион тонна ёки 1 миллиард 120 миллион пуд гаппа етказиб бердилар, бу эса белгиланган умумий ҳарид ҳажмидан анча кўпдир. Бундан кўп миқдордаги гаппа Қозоғистонда биринчи марта таёйрланди. Шу нарсани таъкидлаб ўтиш қўвончлики, республика гаппакорлари мамлакатга 14,5 миллион тонна гоат қимматли бугдой сотдилар, бу бугдойнинг қериб қўнган икки қисми унинг кучли ва қаттиқ навларидир. Эришилган муваффақиятлар — партияимиз аграр сибасатининг изчиллиги билан амалга оширилиши, республика кишлоқ ҳўжалигини комплекс ривожлантириш натижасидир. Қозоғистон кишлоқ ҳўжалиги ходимларининг, барча меҳнаткешларининг фидокорона меҳнати, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, совет, кишлоқ ҳўжалиги ва таёйролов органлари олиб бoғган катта ташкилотчилик ва сибсий ишлар якунидир.

Айниқаман, Қозоғистон меҳнаткашлари қолхоз ва совхозларнинг техника билан тобора кўпроқ таъминланганлигини, фан ва илғор тажриба ютуқларидан фойдаланиб, дон етиштириши янада кўчатириш учун, қўнчилигини ва чорвачилигини бошқа тармоқларини жуда ривожлантириш учун курашини авж олдириб юбордилар. Барча кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш ва таёйролов юзасидан гаппа, ҳўл мева ва узум сотиш юзасидан областлар, районлар, қолхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик муносабатларнинг 1976 йил 1 октябргача бўлган якунларини қараб чикди.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

1976 йил 6 октябрь.

„Оқ олтин“ жирмонига

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ
ЙИЛ 6 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН

МАЎЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).
Биринчи усту — районлар; иккинчи усту — бир кунда таёйрланган пахта; учинчи усту — шу жумладан машинада; туртинчи усту — мавсум бошидан бoғиб терилган пахта; бешинчи усту — шу жумладан машинада.

ЮқОРИ ЧИРЧИҚ	1,38	1,60	106,63	130,03
ҚУЙИ ЧИРЧИҚ	0,97	1,20	105,91	134,01
Ўрта Чирчиқ	2,01	1,73	92,31	80,40
Бўка	1,66	1,58	98,81	109,09
Оққўрғон	1,50	1,96	83,63	97,10
Чиноз	1,11	1,36	83,60	96,88
Бекобод	2,17	2,13	78,95	71,07
Пискент	1,12	1,03	75,12	78,07
	0,79	0,62	71,93	78,81

Область бўйича: 1,35 1,43 85,98 97,71

ИЛҒОР САБЗАВОТКОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлатга сабзавот, полза маҳсулотлари, картошка, ҳўл мева ва узум сотиш юзасидан областлар, районлар, қолхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик муносабатларнинг 1976 йил 1 октябргача бўлган якунларини қараб чикди.

Республика партия ва ҳўкуматининг кўча Қизил байроғи Жиззах областига, Самарқанд областининг Самарқанд ва Жомой районларига, Тошкент област Орагоникда районидан «Қириқ» совхозига, Жиззах област Пахтакор районидан «Самарқанд» совхозига ва Тошкент област Орагоникда районидан «Правда» қолхозига берилди.

ОЛТИНЗОР ХАБАРЛАРИ

ЮқОРИ ЧИРЧИҚ. Свердлов номи совхозининг Раҳим Мўлдиёров бошлиқ бригадаларда пахтадан йиллик планни ўриладилар. 86 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан хирмон кўтарилди. Йиғим-териб олинган ҳўсилнинг 95 проценти «зангори кема»лар бункеридан тўқидилар. Механик-ҳайдовчилардан Э. Туреунов, Р. Холжўаев, Ж. Усмановларнинг ҳар қайсиси 100—110 тоннадан пахта тердилар. Бригада аъзолари ҳўсилдорлигини гектар бошига 50 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Д. РАХИМОВ.

Ўрта Чирчиқ. Йиллик планни ўн иш кунинда бажарган Охунбoғоев номи қолхозининг Маҳкам Туронкулов бошлиқ бригадаси эршунослари ҳўсилдорлигини гектаридан 42 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Даладаги йиллик планнинг 5—6 проценти миқдорда пахта таёйрланмапти. Механик-ҳайдовчилар М. Исронов ва М. Оқбoғовлар ҳар кун бункерлардан 6—8 тоннадан жавоҳир тўқидилар. Ҳ. Худойназарова, Т. Аширлиева, Ҳ. Фозилова каби йилликкилограммчилар кўнига 140—160 килограммдан «оқ олтин» териб, хирмонга барна киритишмоқчи.

Р. БОЙТУЛЛАЕВ.

ШОЛИНИ ЎРИБ ОЛИШ ВА ТАЙЕРЛАШ ЮЗАСИДАН 6 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН МАЎЛУМОТ

Биринчи усту — районлар; иккинчи усту — бир кунда таёйрланган ҳўли; учинчи усту — мавсум бошидан бўён; туртинчи усту — бир кунда ўрилган ҳўли; бешинчи усту — мавсум бошидан бoғиш майдонига нисбатан процент ҳисобида).

Ўрта Чирчиқ	7,9	74,7	2,1	78,1
Бўка	3,5	61,2	0,5	75,8
Юқори Чирчиқ	5,6	46,5	9,7	76,7
Бекобод	2,0	41,6	1,9	54,9
Оққўрғон	4,5	31,2	6,2	72,4
Қуйи Чирчиқ	3,1	28,3	5,6	65,6
Янгиўл	—	—	2,8	61,1

Область бўйича: 4,1 48,7 3,7 65,3

БОЛГАРИЯ ЭКОНОМИКАСИ КУНЛАРИ

Болгария ва Ўзбекистон ССР савдо-саноат палаталари ҳамда Болгария Халқ Республикасининг СССРдаги савдо вакилликни поайтишимизда қардош мамлакат экономикаси кунларини ўтказмоқда.

«Болгария экономикаси кунларининг расмий очилиш маросими Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўнгузма-сида бўлди. Совет-Болгария дўстлик жамияти республика бўлими равлениеси раисининг ўринбoсари ўртоқ Ш. Н. Тошўлтолов бу тадбирда кат-

нашиш учун келган меҳмонларни тoғриқлади. «Болгария экономикаси кунларининг ўтказишидан мақсад икки мамлакат ўртасида иқтисодий алоқаларни янада кўчатириш, ҳамкорликнинг яқин самарали формаларини топишдан иборатдир. Шунинг айтиш керакки, ҳозирги вақтда Болгария билан Совет Иттифоқи ўртасида ишлаб чиқариш иқтисодлаштириш ва кооперациялаш юзасидан ўнлаб икки еклама битимлар тугалланди. Бу мамлакатларимиз экономикаси интегра-

циясининг олий формаларидан биридир. Бир-бири билан бирдoғарлашган Хасково округи ва Тошкент област ҳамда Ям-Бoль округи ва Андикон областининг жуда кўп саноат корхоналари ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳар иккала томон учун катта манфаат келтирмоқда. Болгария экономикаси кунларида қатнашаётган меҳмонлар ва мезбонлар бу ҳусусда қатор мисолларни келтирдилар. «Болгария экономикаси кунлари» қатнашчилари учун даст-

лаб «Болгария Халқ Республикаси ва СССР ўртасида ишлаб чиқариш иқтисодлаштириш ва кооперациялаштириш кенгайтиришнинг имкониятлари ва проблемаларини мавзудаги доклад ҳавола этилди. Дўст мамлакатдан келган етакчи мутахассислар ҳалқ ҳўжалигининг турли масалаларида доир бошқа докладлар билан ҳам чиқдилар. Ҳар бир докладда оид кинофильмлар намойиш қилинди. Тошкентда ўтётган «Болгария экономикаси кунлари» эртага тугайди.

СССР ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИ

5 октябрь кўни Москвада СССР Журналистлар союзи правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. СССР Журналистлар союзининг наъбатдаги, IV съездининг қақирш тўғрисидаги, МОЖ (Халқаро журналистлар ташкилотининг) Хельсинкида бўлиб ўтган VIII конгресси иш якунлари ҳақидаги, аълолик билетларини алмаштиришга таёйргарлигининг бoғиши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Пленумда СССР Журналистлар союзининг наъбатдаги — IV съездининг 1977 йил 1—3 мартда Москвада қақиршига қарор қилинди.

Съездда Журналистлар союзи правлениесининг ҳисоботи ва КПСС XXV съезди қарорлари асосида совет журналистларининг вакиллари муҳокама қилинди, шунингдек марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи, Союз уставига киритилмаган айрим ўзгаришлар тўғрисидаги масала қараб чиқилди. СССР Журналистлар союзининг правлениеси ва марказий ревизия комиссияси сайланди. Съездга вакиллар сайлаш нормаси белгиланди — Союзнинг ҳар юз аъзосидан битта делегат сайланади. (ТАСС мухбири).

А. ИҶЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ

РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА ҲОСИЛ ЙИГИБ-ТЕРИБ ОЛИНМОҚДА

Ўзбекистон далаларида йиғим-терим палласи авжида. Романтика ва илҳомга тўлиб-тошган, деҳқоннинг маънавияти бу қишлоқ масъумининг алоҳида тароватини ким билмасди, дейсиз. Банисоли бунда жамият одамларини қиёғини меҳнат қучоғига қорловчи, минглаб-миллионлаб қалбларни бир жон—бир тан бўлиб жушурин меҳнат қилишга даяват этувчи ақолиб куч жамланган. Йиғим-терим масъумини тасвирлаш қийин — уни қуриш керак, у билан бирга яшаш керак.

«Кўшдан қизиб кетган майдончада, дала шийони енида пахта уйиб қўйилган, уни тепасида эса қизил алвон ҳиллаб турди. Бу байроқ ҳозиргача етти тонна пахта териб қўйган. Амина Салимова шарафига кутаришган. Агар эртага уни бироз қувиб ўтса, Аминанинг ўзи қолганини шарафига вимпелни кутарилади, балки Матлуба Ҳамроева эки Барно Каримова гилиб чиқар. Улар Салимова билан мусобақадор.

Шундай вимпеллар Пахта-ободадаги Ёкубов номи колхозининг ҳамма бригадаларида ҳиллаб турди (кейин биз республикадаги кўпгина хўжаликларда ҳам шундай вимпелларни кўрдик), лекин бу вимпел алоҳида жозибалик билан ажралиб турди. Дала шийони қирда ясланган учун эмас, балки бригада ва унинг раҳбари машҳур бўлгани учун шундай туюлади.

Мақсудхон Умарова ўттиз йилдан бери бригадирлик қилмоқда. Лекин у бирорта бригадани ҳам узоқ ишлагани йўқ. Ҳар гал қорпоқ бригадани қорпоқ қилиб олиб, уни кўтарди-да, яна навабдаги бригадани ўттиз йилдан бери бригадирлик қилмоқда. Социалистик Меҳнат Қарамоми, олти набабрининг бундасига бунчалик ташвиш зарурлиги деб ўйлаш мумкин. Аммо табиати шунча бўлса нима қилиши керак? Бу гал ҳам шундай бўлди. Бригада ҳосилдорлиги ўттиз икки центнердан қорпоқ етти центнерга кўтарилди. Область коммуналари Умаровани партия XXV съездида делегат қилиб юборди. Съезде у КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси ҳам сайланди, унга қайтиб келган эса бундай деди: «Энди олтинчи центнерлик маррани кўзлаш керак. Ҳар бир тул, ҳар бир қатор экинни авайлаб парвариш қилишди. Маана энда қувончи кун ҳам келди. План ошириб бажарилиди, ҳозиргача эллик центнердан пахта топирилди, яна ҳар гектаридан бемалол иш центнердан ҳосил қилиш мумкин. Бундай ҳосилни илгари ҳеч қачон қўришмаган эди.

Мерхат районидagi Куйбисhev номи колхозининг Саодат Мўдинова бошлик бригадасида бўлди. У ҳам ачина донг кетганлардан. Район партия комитетининг бюро аъзоси, лекин Умаровадан фарқи шуки, ҳали жуда ёш, пахтачилик институтининг биринчи курсида сирдан ўқийди. Бригаданинг марраси эса ўшандай — олтинчи центнер!

Ўзибуларчиликка йўл қўймай, тутиришда бўлди. Йиғим-терим машиналари далага ёлпасига олиб чиқилди. Йиғим-терим айна қизин паллада об-ластга йиллик планнинг 6 процентига етказиб пахта тайёрлади, Ўқўғорон, Қуни Чирчиқ, Юқори Чирчиқ районлари эса кунга 10 процентгача пахта берди.

Аммо бу ҳоринчилик алоҳида гашти бор. Уни ҳаммадан кўра йиғим-теримнинг асосий қаҳрамонлари — механизаторлар айнакча яхши ҳис этишди.

«Оқўғорон» совхозининг директори Жуман Йўлчибоев бизни машҳур механик ҳайдовчи Михаил Ковешниковни бо-риб кўришга таклиф қилди. Тўлиқ пайти эди. Комбайн рулида худди отасига ўхшаш йиғимча ўтириди. Ковешниковнинг ўзи эса дала шийонидан қиё-салқинда ҳордиқ чиқарди.

— Уйғотмай қўйқолайки, — шивирлади Йўлчибоев, — Дамини олверсин, Унинг ҳақида ўзим гапириб бераман.

Бу ерларга қадрдон бўлиб қолган Михаил Ковешников партия XXV съездида тайёр-гарлик бораётган кўнлардаёқ ўзига эъз эмас-қў эмас 70 гектар экин майдони ажратиб беришларини сўради. Унинг ўзи ақолиб механик ва дала-нинг тилини яхши билиди, «Ерин ўзим ишлайман, ҳосил-ни ўзим йиғиштириб оламан» деди у. У илгарила ҳам қор-поқ майдонларда пахта етиш-тирди. Бу ишдаги муваффа-қиятлари учун ҳалқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг фах-рий эриги ва «Москвич» ма-шинаси билан мукофотланган эди. Аммо етти гектар ерда ёлғиз ўзи деҳқончилик қи-лишини ўзи бўладими... Ки-роқ Ковешников сўзига туриб олди. Дарҳақиқат, бу катта майдонда ўзи чигит эди, экин-ни ўзи сугорди, ўзи парвариш қилди ва ҳосилни ҳам ўзи йиғиб-териб олди. Тўғри, дам олиш соатларида рулни ўғли Виталийга ишониб топириб қўйди. Аммо шуниси кишини қойил қолдирадими, Ковешни-ков икки қаторли машинада кунига йигирма тоннага ет-казиб пахта термоқда!

Уртқоқ Л. И. Брежневнинг Олмаотадagi партия-хўжалик оқми кенгашида сўзлаган нутқи ҳозирги бунд йиғим-те-рим палласига, унинг руҳига гўят катта таъсир қўрсади. Бу нутқ ақолиб ва район партия комитетларининг пленумларида, ақолиб кенгашиларида, кол-хоз ва совхозларнинг йиғи-лишларида мукофам қилинди. Жиззада «Механик-ҳайдов-чининг иш дафтарини» чиқ-рилди, «Москвич» колхозининг раиси Ҳамроқул Носиров ба-ри дафтарини қўрсади. «Энди, — дейди у, — натижаларни қараб кўриш. Бу колхозда йиғиб-териб олинган 11,3 ми-лон тонна пахтанинг 7 ми-лон тон-на машиналарда териб олинди. 63 машинанинг ҳаммаси сарфа турди, 300 тонна пахта тер-ган Фуркат Носиров эш яхши натижага эришди. У механизатор дафтарини ишда қандай катта ердам берганилини ма-роқ билан сўзлаб берди. Даф-тарда механик-ҳайдовчи мас-

лаҳатлар баён этилган, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, му-собеқадор ўртоғининг қўрса-тичлари келтирилган.

Бугунги кунда Мирзақўлнинг қўрқ районлари механизатор-лари зарбдор эстафетани қа-бул қилиб олишди. Бу ерда машина ҳосилини териб олган-дан кейин тўқилиб қолган пах-тага кўнда териб олинди. Йиғим-теримнинг бунд оғирли-лиги машиналар зиммасида, Бу ерда ҳозирқал исталган су-ратга эришилди деб айтиб бўлмайди. Аммо Сирдарё об-ластда кунлик сўрат 5 про-центдан ошиб кетди. Фарғона об-ластда ҳам илгарилаб бо-рилмоқда. Наманган об-ла-стида юксак қўрсақтин мў-ким бўлиб турибди. Шу ту-файли умуман республи-да бўйича гўят ғанимат кўн-ларда эришилган 165 ми-лон тоннадан иборат кўнлар сўрат осадатидан кўпроқ вақтгача пайсалли турди.

Бироқ, бундан ҳам юқори натижага эришса бўларди. Агар Андижон ва Бухоро об-ластлари ўтган йилнинг худди шу давридаги нисбатан ундан бир ҳисса кўп, Тошкент об-ла-сти эса ҳатто бир ярим барабар ортиқ пахта йиғиб-териб ол-ган бўлса, Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд ва Хоразм об-ластлари ўтган йилги қўр-сақтиндан ҳам орақда қолмоқ-далар.

Гўят қўлай йилларда ҳам пахта йиғим-теримда осонли-ча муваффақиятга эришишга умид боғлаб бўлмайди. Пахта тайёрлаш ҳажми жуда ўсиб кетди. Ҳолбуки, мамлакатда ягона бўлган «Ташеълаш» заводида янги пахта терим ма-шиналари ишлаб чиқариш га-риш қўйиб бораётган бўлса-да, амалда ишдан чиқибган эски машиналардан ортиқ эмас. Шунинг учун ҳам механизатор-лар техникадан иккони бо-рича унумли фойдаланишга интиломоқдалар. Ҳозирга-ча машиналарда 1,57 ми-лион тонна пахта йиғиб-те-риб олинди. Ҳар ҳолда тех-никадан бундан ҳам ақшорқ фойдаланса бўларди. Қиёс-лаш учун Тошкент ва Самарқанд об-ластларини олиб кўрайлик. Ҳар иккаласида машиналар тахминан бир хил микдорда. Лекин Тошкент об-ла-сти би-ринчи теримда машиналар би-лан кунига ўн олти ми-лон тоннадан пахта терди, Самарқанд об-ла-сти эса худди шундай ша-роитда ўн уч ми-лон тоннадан пахта терди. Хоразм об-ла-стида машиналарнинг иш уну-ми ҳамон паст.

Уқўғорон ва Юқори Чирчиқ районлари бу йил жами ҳо-синли шаҳарлиларини, студент-ларни ва ўқувчиларни жалб қилмасдан йиғиб-териб олишга ақд қилганликлари қувончи холдир. Ўзбекистон Компартия-си Марказий Комитети бу та-швишсуни маъқуллабди. Таш-бекусловларнинг тақрибиси агар ҳар бир хўжалик техникадан оқилона фойдаланса қандай ишчиликларга эгаллини еқол қўрсади турибди. Масалан, Андижон об-ластининг муваф-фақияти тери нимада? Маши-на терини билан қўл терини моҳирона қўшиб олиб бори-лишқадир. Тажриба шуни қўрсақмоқдаки, бугунги кунда

В. АРХАНГЕЛЬСКИЙ,
Г. ДИМОВ,
(«Известия» махсус мухбир-лари).
(«Известия», 6 октябрь).

Дунё овози
Чем эл хабарлари

БУТУН ЖАҲОН ЛЕОНИД ИЛЬИЧ ВАЗИЯТ КЕСКИНЛИГИЧА

БРЕЖНЕВНИНГ СЎЗИНИ ТИНГЛАМОҚДА

Совет кишилари, бундaги мухбирга бундай тул жамоатчилик КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Франция телевидениеси обзори билан сўхбатини ақр илгари билан қўиб олди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари-нинг Кремлдаги иш кабинетидан репортаж бир вақтининг ўзида «Евровидение» ва «Интервидение»нинг ҳамма каналлари, Бутунтини-фоқ радиоси, «Орбита» космик алоқа системаси, «Восток» программаси ора-ли олиб қўрсақтин ва эшиттириди. Бу репор-тажин миллионларча ки-шилар қўиб эшитиб ту-ришди. Европа қитъасининг ўзидagina бу сўхбат 400 миллион киши истисмоқда қилинган мамлакатларга эшиттириди. Ийрик инфор-мация агентликларининг ҳаммаси ўртқоқ Л. И. Бре-жнев сўхбатининг батафсил баёнини эълон қилди.

«Франция—СССР» жа-миитининг ижрочи президенти, таъиндл жамоат ақроби Г. Дессон ТАССнинг Па-

риждаги мухбирга бундай деди: бу сўхбат Кремдан телевидение орақли берил-ган эшиттириш эътибор билан қўиб турган фран-цуз халқи учун ҳам, бошқа қўи мамлакатларнинг халқ-лари учун ҳам, шубҳасиз, жуда катта аҳамиятга эга-дир. Улар КПСС Марказий Комитети Снсий бюроси-нинг кўп қиррал фаолияти ҳақида, совет халқи унинг беш йиллик планини қандай бажаряётганини тўғрисида, СССРнинг илчил, тинчлик-севар ташқи сиёсати тўғри-сида айтилган батафсил, доно гапларни тингладилар. Л. И. Брежнев Совет дав-лати Совет-Франция ҳам-корлигини янада ривожлан-тириш ва мустаққиллашти-рилтиладганини яна бир марта таъкидлади. Л. И. Брежнев сўхбат мамлакат-ларининг ва халқларининг ўр-тасидан ҳамжиҳатлини рив-ожлантиришга, халқаро тинчлигини мустаққиллаш, ҳосиллигини юмшатиш ва ҳамкорлигини қучайтириш-нига қўйилган янги жуда катта ҳиссадир.



ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЕРДАМ КЕНГАШИ ПРОГРАММАСИ АМАЛДА
Оренбург — СССРнинг Габрий чегараси газопроводи—Европадаги соца-лист мамлакатлар томондан қўйилган йирик иш. Газопроводнинг Поль-ша участкаси газ қувурларини тўтатиришда автомат пайвалдаш усули қўллани-моқда. Бу пайвалдаш сўратини сензорлар даражада тезлаштириди. Сўратда: пешка-дам поляк қувурчилари А. Вуякевич, С. Ковка, П. Фигуровский ва М. Мизералари қўиб турибди.

ГДР ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 27 ЙИЛ ТЎЛДИ

ЯГОНА ОИЛАДА

7 октябрь кун социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари Гер-мания Демократик Республи-каси ташкил топган кунининг 27 йиллигини нишонлайдилар.

Карл Маркс ва Фридрих Энгельс ватанда биричи иш-чи-деҳқон давлатининг вужуд-га келиши жаҳон социализм-нинг Улуғ Октябры социали-стик революциясининг ғалабаси очиб берган йўлдан ривожла-нишда муҳим босқин бўлди. Бу воқеа ГДР меҳнаткашлари тақдирини, улар миллитаризм ва фашизмга қарши, соци-алистик идеаллар таъинати учун олиб борган революци-он курашларида ғалаба қозон-ганликларида далолат бериб, Европа тарихида, шу қитъа-нинг халқаро муносабатлар ривожига катта принципал аҳамиятга эга бўлди.

Бугунги кунда ГДР гуллаб-яшнаётган, куч-қудратли со-циалистик давлат бўлиб, халқ-аро ҳаётини ақва ва обрўли қатнашчидир. ГДР меҳнат-кашлари бизнинг мамлақати-миз ва бошқа қардош мамла-катлар билан мустаққам ҳам-корликда замонавий ривож-ланган экономикага, илгор фан ва маданиятга эга бўлган, ҳам-ма граждaнлар учун муносиб турмуш шароитларини таъмин-лаб келаётган социалистик давлатни берпо этдилар. Бу ерда коммунистик, интерна-ционалистик дунёқарашга эга бўлган кишилар авлоди ўсиб етишди.

Мамлакатнинг иқтисодий куч-қудратли йил сайин ошиб бормоқда. Бун қуйдаги ра-қамлардан ҳам билиш мум-кин. ГДР миллий даромади 1949 йилдан бундан қариб етти барабар ўсди. Кейинги беш йилликдаги у 30 процент-дан ортиқроқ микдорда қў-лайди. Шуниси муҳимки, мил-лий даромад ўсишининг 98 процентидан қўпроқига меҳнат унумдорлигини ошириш ту-файли эришилди. Ақолисининг сони бўйича дунёда 36, терри-ториясининг катталиги бўйича 93-ўринни эгаллаган Германия Демократик Республикаси жа-ҳондаги саноат энг ривож-ланган ўрта мамлакат қатори-дан жой олган. Европада эса у саноат ишлаб чиқариш ҳаж-ми бўйича олтинчи ўринни эгаллабди. Мамлакатда 1970—1975 йиллар орасида ишлаб чиқаришнинг ўсиш 37 про-центини ташкил этди. Маши-

қурилиши ва ремонт қилиниши натижаида 2,2 миллион киши ўз уй-жой шартини яхши-лаш имконига эга бўлди.

Германия Демократик Рес-публикаси Варшава Шартнома-си ташкилоти ҳаида Ўзаро Иқтисодий Ердaм Кенгаши-нинг аъзоси сифатида қардош социалистик мамлакатлар бир-лиги ва жиспидини мустақ-қиллаш, уларнинг ҳар тараф-лама ҳамкорлигини ривожлан-тириш ва чуқурлаштириш иш-га саломлики билан қўшмоқда. ГДРнинг илги беш йиллик пла-ни мазкур Кенгаш аъзолари бўлган мамлакатларнинг план-лари билан мувофиқлаштириб тузилганини бунинг аққол да-лилдир. Жумладан ишлаб чи-қариш, қилин-тадиқот ва тажриба-конструкторлик ишла-рини ихтисослаш ва коопера-циялаш бўйича ГДР билан бошқа социалистик ҳамдўст-лик мамлакатлари ўртасида 370 га яқин битим тузилган бўлиб, улар муваффақиятли риважда амалга оширилмоқда.

Совет халқи республика меҳнаткашларини ГДР ташкил топган кунининг 27 йиллиги билан қизин табриқлаб, уларга ривожланган социалистик жа-мият қуриш йўлида янги му-ваффақиятлар тилади.

ГДРнинг Миллий халқ армийси жангчилари Совет Армияси жангчилари билан жанглар дўстлик алоқасини ўрнатганлар. Сўратда: жанг-чи шофёрлар учрашув.

АДН—ТАСС фотоси.



ОҚЎҒОРОН районидagi Куйбисhev номи колхоз ме-ханизаторлари бу йил жами ҳосилнинг 90 процентини машиналарда териб олш учун қурашмоқдалар. Ҳозир хўжалик пахтазорларида 50 та трипс тинимсиз ҳаракат қилиб 19 та терим агрегати териб бераётган пахта-ни пешма-пеш пабл пунктларига элтмоқда. Сўратларда: илгор механизаторлар Жаҳонгир Охунов, Бекмур Са-фаров ва Қўлат Деҳқонбоевлар.

Ж. Тўраев фотолари.

